



ЭЛИМ ДЕГАННИ – ЮРТ АРДОҚЛАЙДИ

Давлат раҳбари “Қозоғистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Давлат ва жамоат фаолиятидаги хизматлари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, ҳарбий ва бошқа хизмат бурчини намунали бажарганлиги учун:

Бауржан Мўмишули номидаги II даражали “Айбын” ордени билан

Абуева Анарзул Аманжўлқизи – Фаёқулподда вазиятлар вазирлиги бошқармаси бошлиғи

Айтмағамбетова Жулдиз Раимқизи – Давлат Қўриқчилик хизмати катта нозир

Ахметова Айман Раҳмеджанқизи – Миллий хавфсизлик қўмитасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта тезкор ходими

Канкина Қуралай Темирбулатқизи – Бош прокурорнинг катта ёрдамчиси

Мусатаева Балжан Тўлежанқизи – Мудофаа вазирлиги 44013-сонли ҳарбий қисм взвод командири.

“Парасат” ордени билан

Абилдина Қарақат Тулқубайқизи – “Қарақат” мактаб-студияси бош директори, Астана

Жексенбай Бибиғул Нурғалиқизи – Парламент Сенати депутаты

Қуспан Айгул Сайфоллақизи – Парламент Мажлиси депутаты

Нўғайбаева Гулдана Раҳимбекқизи – А. Қашаубаев номидаги Давлат филармонияси хонандаси, Абай вилояти.

“Қўрмет” ордени билан

Абдраимова Тлеукул Шаимқизи – Суё хўжалиги ва ирригация вазирлигининг “Қазводхоз” РДҚ Жамбил филиали “Шу” ишлаб чиқариш участкаси муҳандиси

Абенова Қулпаш Қайролла қизи – Савдо ва интеграция вазирлиги Техник соғлаш ва метрология қўмитаси “Миллий аккредитация маркази” РДҚ ходимаси

Абиева Раиса Леонид қизи – “Абиев А.А.” деҳқон хўжалиги раҳбари, Жетису вилояти

Ағибаева Раиса Мухамедиқизи – Астана шаҳар фахрийлар кенгашининг медиа гуруҳи раиси

Азимқулова Адилет Срадинқизи – меҳнат фахрийси, Туркистон вилояти

Айтбаева Шўлпан Сашкенқизи – меҳнат фахрийси, Астана шаҳри

Гияя Рўза Римқизи – “ҚТЖ” МК филиали — Туркистон вилояти Чимкент маэистрал йўли филиали Арис йўл участкаси диспетчери.

Егизбаева Сауле Абулалпқизи – М. Шўқай номидаги 187-сонли ахборот технологиялари мактаб-лицейи ўқитувчиси, Қизилўрда вилояти

Елеуова Қарақўз Тимирбекқизи – меҳнат фахрийси, Алматы шаҳри

Земляна Людмила Дмитрий қизи – “Жер су” МЧБ директори, Шарқий Қозоғистон вилояти

Канапина Гулнара Бекежанқизи – “Қазақстан алюминий” ОХЖ гидрометаллурги, Павлодар вилояти

Капенова Гулмира Амангелдиқизи – “BESTKZ.KST” МЧБ раҳбари, Қўстанай шаҳри

Қараева Бибиғул Атшибайқизи – Манғистау вилояти, Жанаўзен шаҳар таълим бўлимининг 14-сонли умумтаълим мактаби муаллимаси

Қурманғалиева Бикеш Қайдарқизи – “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” МЧБ бош директори

Мўлдашев Бағдашжан Қадиржанқизи – “Хромтау кон-техника олий коллежи” давлат корхонаси директори, Ақтўбе вилояти

Одинцова Маргарита Владимир қизи – Олий суд судьяси

Сағинтаева Аида Қистаубайқизи – Назарбаев университетининг проректори ўринбосари, Астана

Умбеталина Марал Абдрашқизи – Давлат юқумли касалликлар шифохонаси шифокори, Шимкент шаҳри

Жамитова Алмагул Мажитқизи – Фарбий Қозоғистон вилояти “Желаевский” нон маҳсулотлари заводи ХЖ директори

Хорошаш Галия Насибулл қизи – “Қозоғистон Республикаси Президентини Маъмурияти Тиббиёт маркази миллий госпитали” РДҚ шифокори.

БОЖХОНАДА НИМА ГАПЛАР?

Наврўз байрамида Қозоғистон – Хитой чегарасидаги назорат-ўтказиш бекатлари ишлайдими?



2025 йил 21-23 март кунлари Хитой билан чегарадаги автомобиль назорат-ўтказиш пунктлари ишламайди, дея хабар беради Давлат даромадлари қўмитаси.

Қўмита маълумотларига кўра, Қозоғистон – Хитой чегарасидаги темир йўл назорат пунктлари доимий тартибда фаолиятини давом эттиради.

«Транспортчилар ва чегарани кесиб ўтиш истагида бўлган барча фуқаролардан жорий этилган чекловларни инобатга олган ҳолда, ўз йўналишларини олдиндан режалаштиришлари сўралади», дейилади Давлат даромадлари қўмитаси хабарида.

24.kz. маълумотлари асосида.

ПРЕЗИДЕНТ ЯНГИ ҲОКИМНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



ДАВЛАТ РАҲБАРИ АБЎ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ БЕРИК УАЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Президентга вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий раванки ҳақида ахборот берилиб, келгуси даврга мўлжалланган тараққиёт режаси тақдим этилди.

Вилоят ҳоқими маҳаллий бюджетнинг харажат ва даромад қисми ҳар томонлама таҳлил қилинганини таъкидлади. Натيجида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Тежалган маблағ эса дол-

зарб муаммоларни ҳал қилишга сарфланади.

Қ. Тўқаевга 2028 йилгача амалга ошириладиган 24та сармоявий лойиҳа ишлаб чиқилгани маълум қилинди. Умумий қиймати 2,2 триллион тенге бўлган ушбу ташаббуслар 8 мингдан ортиқ иш ўрнини яратиш имконини беради. Улар орасида жорий йилда олти лойиҳа ишга туширилади.


Берик Уали вилоятдаги ижтимоий иншоотлар ва коммунал инфратузилмаларнинг ҳолати ҳақида маълумот берди.

Жумладан, мактаб ва болалар боғчалари қуриш, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасаларини аҳоли талабидан келиб чиқиб замонавийлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, коммунал хўжалик соҳасида тўпланган муаммоларни, айниқса, Семей шахрининг ушбу йўналишдаги муаммоларини ҳал қилиш жуда долзарбдир.

“Бадастир мактаб” миллий лойиҳаси доирасида 5та иншоот ва “Ўқувчилар саройи”нинг қурилиши олиб борилмоқда. Давлат раҳбари минтақадаги

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, вилоят ҳоқимига вилоятни тараққиёт эттиришни жадаллаштириш йўллари Хукумат билан биргаликда кўриб чиқиш, долзарб муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш юзасидан топшириқлар берди.

Akorda.kz.
маълумотлари асосида.



Авалло ушбу куннинг қисқача таърифига тўхталамиз. Халқимизда “Ҳамал кирди – амал кирди” деган мақол жуда машҳур. Ҳижрий-шамсий тақвим бўйича Қўбнинг биринчи буржга ва ойнинг ўн икки бурждан бири – Ҳамалга (ҳомилдор кўй) кириши билан “Наврўз”, “Янги кун”, у билан бирга эса янги йил ва янги фасл – баҳор кириб келади. Неча минг йиллик тарихга эга бу байрам инсон ички олами ва унинг табиат билан уйғунлиги рамзидир.

Юртимиз тарихи, халқимизнинг таърифи, асрий анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган Наврўз байрами юртимизда кенг нишонланади.

Мазкур байрам 2009 йил 30 сентябрда инсоният маданий меросининг ажралмас қисми сифатида ЮНЕСКО томонидан умумжаҳон номоддий маданий мерослари рўйхатига киритилган.

Шунингдек, 2010 йилнинг 19 февраль куни БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида 21 март “Халқаро Наврўз куни” деб эълон қилинди ҳамда Наврўз байрами турли халқлар ўртасидаги маданий алоқалар ва ўзаро ҳамжиҳатликни рағбатлантириш, қўни-қўшничилик муносабатлари, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ҳа, бободехқонларимиз, миришкор боғбонларимиз орзиқиб кутган дамлар етиб келди. Улар ерга барака уруғини сочади, меваги ва манзарали дарахлар ўтқазади. Зеро, ерга меҳнат билан қанчалик ишлов берилса, деҳқончилик, зироат ҳам шунга қараб баракали бўлади. Рўзгоримиз бутун, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораверади. Шаҳар ва қишлоқларда яшовчи барча инсонлар бу муборак фаслни ғанимат билиб, юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, турмушимиз раванки йўлида астойдил бел боғлаб, фидокорона меҳнати билан ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

Барчангизни Ҳамал кунини ҳамда кириб келадиган Наврўз умумхалқ байрами билан табриклаймиз. Фасли навбаҳор ҳар бир оила, ҳар бир маҳаллага, элу юртимизга тинчлик ва фаровонлик, бахту саодат олиб келсин! Зеро, Наврўз умумхалқ байрами сифатида аҳиллик, ўзаро бирдамлик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатларни кучайтириш ва инсонларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, тинчликсеварлик, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

БАҲОРГИ ТАЪТИЛ ЯҚИН...



Учинчи чорак якунлашишига саноқли кунлар қолди. Баҳорги таътил даври ўн бир кун, 2025 йил 21 мартдан 2025 йил 31 мартгача давом этади.

Маориф вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил даврида бўш вақтларини самарали ўтказиш, уларнинг шахсий фазилатларини шакллантириш мақсадида “Интеграциялашган таълим” дастури доирасида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 1-4, 5-9, 10-11-синф ўқувчилари учун ҳам қўлланма ишлаб чиқилган. Унда дам олиш кунлари Наврўзноманинг ўн кунлиги муносабати билан жамият ҳаётининг муҳим жиҳатлари: оилавий қадриятлар, маданият, миллий анъаналар, хайрия, спортга эътибор қарати-

ди. Мактабларда қатор маърифий, спорт, маданий ва ижодий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган:

- музейлар, фан марказлари ва тарихий обидаларга ўқув экскурсиялари;
- спорт ўйинлари;
- хайрия тадбирлари ва бошқа тадбирлар.

“Энг муҳими – болалар хавфсизлигини таъминлаш. Шу мақсадда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, мактаб интизомини сақлаш, кўчаларда болалар хавфсизлигини, уйда ёнғин хавфсизлигини, киберхавфсизлиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади”, дейилади вазирлик хабарида.

Таъкидлаш жоизки, мазкур чора-тадбирлар услубий тавсия сифатида таълим ташкилотлари-га йўналтирилган.

Informburo.kz.
маълумотлари асосида.

Туркистон шаҳрида 8 Март – халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган “Оламнинг гултожи – она” мавзуида байрам тадбири ўтди.

Унда вилоятимиз тараққиётига ҳисса қўшиб, меҳнати билан эл олқишига сазовор бўлган хотин-қизлар, кўп болали оналар, ишчи касбларининг муносиб вакиллари иштирок этди.

Меҳрибон оналар, муҳтарам опа-сингилларимизни байрам билан вилоят ҳокими Нуралхан Қўшеров қутлади. Эл равақига ҳисса қўшиб келаётган хонимларга эҳтиром кўрсатди.

– Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев 2025 йилни “Ишчи касблари йили” деб эълон қилди. Ишчи оналаримизга, опа-сингилларимизга иззат-икром кўрсатилмоқда. Минтақада меҳнат қилиб

келаётган оналаримиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Тарихда Тўмарис, Қорасоч она, Думалақ она, Бўпай хоним сингари оналаримиз бўлган. Сизлар уларнинг анъанавий йўлини давом эттириб, жамиятни эзгуликка чорлаб келмоқдасизлар. Ушбу меҳнатингиз учун миннатдорчилик билдираман, – деди Нуралхан Қўшеров.

Юксак савияда уюштирилган концертда Туркистон муסיқий-драма театр жамоаси оналар меҳр-муҳаббатини улуғлайдиган театрлаштирилган сахна асарини намойиш этди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Шимкент шаҳридаги “Дўстлик уйи”да 8 март–Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги муносабати билан “Жамоат тотувлиги” муассасасининг ташаббуси билан шаҳар ўзбек этномданият бирлашмаси “Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл!” мавзуидаги байрам тадбирини ўтказди.

МЕҲР ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ



Концертда аёл латофати, гўзаллиги, донолиги, ҳаётдаги ўрни тараннум этилди. Санъат юлдузларининг ёрқин чиқишлари, дилтортар наволар янгради, куй ва рақслар ижро этилди. Меҳмонлар томонидан табрик сўзлари айтилиб, оналарга эҳтиром кўрсатилди. Шу билан бирга, тадбир чоғида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини алоҳида таъкидлаш мақсадида тақдирлаш маросими уюштирилди.

Тадбирда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятларга

эришган хотин-қизлар тақдирланиб, уларнинг меҳнатлари ҳамда соҳа тараққиётига қўшган ҳиссалари муносиб баҳоланди.

“Хаси-фешн” хотин-қизлар миллий либосларининг намойиши уюштирилди. Шу билан бирга, Шимкент шаҳар ўзбек драма театрининг артистлари ижросидаги куй-қўшиқлар анжуманга алоҳида файз бағишлади.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.

ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁГИ ОСТИДАДИР!



Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекули 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Алибоевлар хонадонига ташриф буюриб, Маҳфуза она Маметовага самимий эҳтиром кўрсатиб, муборак айём билан табриклади.

Ўз навбатида онахон шаҳар ҳокимига миннатдорчилик билдириб, шарафли хизматларида улкан муваффақиятлар тилади. Шунингдек, муқаддас Туркистоннинг тараққиёти йўлидаги сазъ-ҳаракатлари самарали бўлишини тилади.

Шаҳар ҳокими Азимбек Пазилбекулига онахон номидан чуқур миннатдорчилик билдирилди.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.

ХУСУСИЙ МАКТАБЛАР МАСАЛАСИ



Вилоятимизда 170тага яқин таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларда 51 минг нафардан зиёд ўқувчи илм эгалламоқда.

Мактабларда 3435 педагог меҳнат қилмоқда. Вилоят ҳокимининг ўринбосари хусусий мактабларнинг директорлари билан учрашув ўтказди. Унда муҳим масалалар муҳокама қилиниб, таклифлар билдирилди.

Мактабларнинг нуфузи, таълим сифати таҳлили натижалари баён этилди. Миллий таълим ахборотлар жамғармасининг маълумотларига кўра, хусусий мактаблардаги педагогларнинг малакаси белгиланган кўрсаткичдан паст. Бунга баъзи таълим муассасалари томонидан нотўғри маълумотларнинг киритилиши, уларни вақтида янгиланган турмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Вилоят таълим бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Жандўс Маханбетовнинг таъкидлашича, мактаб директорлари 3 йилда камида бир марта менежмент бўйича малакасини ошириб туриши зарур. Лекин бу вазифа тегишли даражада бажарилмаган. 102та мактабдан 902 нафар ўқитувчи ўқув курсидан ўтса, 66та мактаб бу ишларни тегишли даражада ташкил этолмаган. BilimClass электрон журнали текширилганда, уларнинг 30тага яқини рўйхатдан ўтмагани аниқланди. Давомат 99,96, таълим сифати эса 60,05 фоизни ташкил қилган.

Бугунги кунда вилоятдаги 157та хусусий мактаб давлат буюртмаси асосида хизмат кўрсатмоқда. Уларда 47 минг нафардан зиёд ўқувчи ўқийди. ҚР «Молия маркази» ҲЖ таълим соҳасидаги ваколатли органнинг оператори.

Жорий йил 1 январдан бошлаб молиялаштириш мақсадли трансферт сифатида вилоят бюджети ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Тажибаев ходимлар ва педагогларнинг ойлик маошини тўлаш масаласи доимий назоратда эканлигини таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ИШЧИ КУЧИ КЎЧИБ ЮРИШИ ТАБИЙ ЖАРАЁН

Бугунги кунда меҳнат мигрантлари барча давлатлар иқтисодиёти, эркин савдо ва инновация жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги элчихонаси ва дипломатик ваколатхоналари томонидан ҳам Қозоғистоннинг турли ҳудудларида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларига ҳуқуқий, ижтимоий-моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда ҳамда бунда Қозоғистон Республикаси қонунчилигининг ижросини таъминловчи органлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Қозоғистонга келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари муваққат яшаш учун рухсатномасиз 30 кунгача қолиш ҳуқуқига эга бўлиб, ушбу даврда меҳнат фаолияти учун рухсатномаси бўлмаса, ишлаш мумкин эмас.

Қозоғистон қонунчилиги бўйича чет эл фуқаролари асосан квота бўйича ёки уй хизматчиси сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Ж. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Қозоғистон Республикасидаги
элчихонаси ходими.

Туркистон вилоят маслаҳати МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида»ги ҚР Қонунига мувофиқ, 2025 йил 18-20 март кунлари Сайрам, Тулкибош, Келес, Сарюгоч, Қазигурт, Тўлебий туманларидан сайланган саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари аҳоли олдига ҳисобот учрашувларини ўтказди.

Туркистон вилоят маслаҳати депутатларининг аҳоли билан учрашувлари ЖАДВАЛИ

№	Туман, шаҳар номи	Вилоят маслаҳат депутатлари	Куни ва вақти	Учрашув ўтказиладиган манзил
1	Сайрам	С. Қўшенов Б. Айтқулов Н. Жамалбеков С. Ералиев Т. Қалмуратов Ж. Р. Туламетов Е. Р. Усентаев	18.03.2025 йил соат 11.00	Қ. Жандарбеков номидаги туман маданият уйи, Оқсувкент қишлоғи, Абилайхан кўчаси, 71
2	Тулкибош	Н. Шақимergenқизи Д. Егамбердиева Т. Қалмуратов	18.03.2025 йил соат 15.00	Маданият уйи, Тулкибош тумани Т. Рисулов қишлоғи, Ахметов кўчаси, 205
3	Келес	Ж. Ағабеков Б. Басимбек	19.03.2025 йил соат 11.00	А. Кенжеев номидаги маданият уйи, Абай қишлоғи, Т. Рисулов кўчаси, 80
4	Сарюгоч	А. Салимов У. Рахиев Қ. Салибек Ж. Абдибаев Ж. Сулейменов	19.03.2025 йил соат 15.00	Маданият уйи, Сарюгоч шаҳри, М. Шўраули кўчаси, 44А
5	Қазигурт	Н. Аширов А. Умбеталиев Н. Ажиметов Қ. Нишанов Х. Аширбеков	20.03.2025 йил соат 11.00	Туман ҳокимлиги биноси, Қазигурт тумани Қазигурт қишлоғи, Қўнаев кўчаси, 95
6	Тўлебий	Ф. Елшибай Н. Қўзибақов Х. Аширбеков Қ. Нишанов	20.03.2025 йил соат 15.00	Маданият уйи, Тўлебий тумани Ленгер шаҳри, Тўлебий кўчаси, 237

»» Президент Мактуби – амал дастури

ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ КУН ТАРТИБИДА

Президент Қ. Тўқаевнинг “Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” номи Мактубида тараққиётнинг яқин йилларга мўлжалланган тўққизта аниқ йўналиши, янги мақсадлар белгиланди, аниқ топшириқлар берилди.



Президент Парламент, Ҳукумат ва бошқа давлат тузилмаларига молия-кредит сиёсати ҳамда фискал сиёсат ўртасидаги тафовутни бартавраф этишни, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни топширди. Президентнинг фикрича, даромадига мувофиқ яшаш барқарорлик гарови. Бизнес юритишда сармоявий иқлим ва шароитларни янада яхшилаш устида доимий изланишда бўлиш жоиз. Ҳукумат олдига яна бир муҳим вазифа қўйилди: 2029 йилга қадар Қозоғистон иқтисодиётида ўрта бизнес

улушини 15 фоизга қадар ошириш жоиз.

Атом электростанциясини барпо этиш бўйича референдум ўтказилди. Электр қуввати тақчиллиги туфайли Қозоғистон ишончли, экологик тоза қувват манбаларига муҳтож. Атом энергетикаси эса иқтисодиётимиз эҳтиёжларини сезиларли даражада таъминлашга қодир.

Президент Мактубида маънавиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таълим соҳасида ўтказиладиган ислохотлар, муаллимларнинг муносиб эртаимиз соҳибларини тар-



биялаб, вояга етказиши учун яратилган шарт-шароитларни биз, устозлар ҳам юксак баҳолаймиз. Жамиятда ўтказиладиган таълим, маънавият соҳасидаги ислохотлар келгусида, албатта, ўз мевасини беришига ишончимиз комил. Мактубдаги яна бир ўзига хос жиҳат – ишчи касбларни улуғлашга алоҳида эътибор қаратилди. Биз, ўқувчиларимиз билан очик дарсларда ишчиларнинг жамиятдаги муносиб ўрни ва уларнинг тараққиётимизга қўшаётган ҳиссасига ҳам алоҳида ургу берамиз. Зеро, тўғри танланган касб – тараққиётимиз гарови.

Гулчехра ПАРПИЕВА,
А. Навоий номи
17-сонли умумтаълим
мактабининг ўзбек тили
ва адабиёти муаллими.
Кентов шаҳри.

МУТАФАККИРЛАР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ – МАЪНАВИЙ МЕРОС



Яқинда Алмати шаҳридаги «Достық үй»да Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги муносабати билан буюк қозоқ оқини Абай Құнанбайули таваллудининг 180 йиллиги, шунингдек, Шарқнинг буюк мутафаккирлари ўзбек тилининг асосчиси Алишер Навоийнинг 584 йиллиги ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг 542 йиллигига бағишланган «Асрлар ила ҳамоҳанг маънавий мерос» мавзудаги маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Алмати шаҳридаги Бош консули Равшан Матчонов, консул Дилшод Собиров, «Достық үй» директори Нурсауле Алтекова ҳамда Олий таълим муассасаларининг талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, этномаданият бирлашмалари аъзолари, «Ёш қанот» ёшлар уюшмаси фаоллари ҳамда зиёлилар иштирок этди.

факкирлар ижодидаги давомийлик одоб-ахлоқ ғоялари, билимга интилиш, адолат ва жамиятни янгилаш, уларнинг серқирра ижодида намоён бўлади. Дарҳақиқат, буюк мутафаккирлар бизларга умминсоний қадриятларга асосланган келажак барпо этишга ёрдам берадиган маънавий мерос қолдиргани ҳақиқат.

«Ёш қанот» ёшлари буюк-зиёлилар иситириб берди

Қозоқ Миллий Педагогика университети 2-босқич талабаси Жавоҳир Маматов «Оламни сақланг» дилтортар кўшиғи билан томошабинларни хушнуд этди. Табдир сўнггида фаол ёшларимиз Нозли Алишева, Абдулла Ирисбеков, Севинч Йулдошбекова, Севара Абдураимова, Марям Абдиманнотова, Муҳаммад Шокиров, Диёна Анорхонова, Хумоюн Камолтоев, Жавоҳир Маматов ҳамда ташкилотчи Шоҳмурод Мўлайхонов «Ташаккурнома» ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Алмати шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Абдулла Исмаилов, ўринбосарлари Абдуҳалил Уролбоев, Умид Наджимидинов



Навоий, Бобур ва Абайнинг маънавий мероси жамият раванқига, маданият ривожига, адабиётни бойитишга қўшган ҳиссаси билан улғурдорди. Шоирлар ижоди бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, халқ маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Атоқли мута-

олиб, миллий рақсларимизни ижро этса, ЎЭМБнинг фаол аъзоси Бахтиёр Матназаров миллий кўшиқлар билан тадбирни янада жонлантирди. Табдир давомиде чет эл, яъни ҳиндистонлик талабалар Абай Қўнанбаев қаламига мансуб «Көзимнің қарасы» кўшиғини ижро этса, Абай номидаги

ҳамда «Ёш қанот» ёшлар уюшмаси раиси Шоҳмурод Мўлайхоновларга тадбирни аъло даражада ташкил этганликлари учун миннатдорчилик билдирилди.

М. НАБИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

»» Ёднома

МАҚСУД ОТАХОННИНГ МАҚСАДИ ХАЙРЛИ ЭДИ...



Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлиб, эрта етим қолган туркистонлик Мақсуд Гайбуллаевнинг болалиги осон кечмади.

Қийинчиликларни меҳнат билан мардондор енгди. Ишлади ва ўқиди. Олий маълумотли қурилиш му-

ҳандиси сифатида Учқайиқ қишлоғида кўп иншоотлар барпо этди. Фарзандлар тарбиялади, неваралар кўрди. Китоблар, даврий нашр, хусусан, «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасини мутулаа қиларди.

Шахсий кутубхонасидаги бир неча юз қозоқ, ўзбек, рус тилидаги нодир китобларни ўзи ўқиб бўлган, ёш авлодни баҳраманд этиш мақсадида Р. Қўчқоров раҳбарлигида қишлоғида «Улес» хайрия жамғармаси орқали минтақамиздаги мактаб кутубхоналарига тақдим этди.

90 ёш арафасида мунаввар рамазон ойда фонидан дорулбақога рихлат қилган Мақсуд отахоннинг охиратлари обод бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.



«АГРОФИРМА МЭРТӨБЕ» ӨНДІРІСТІК КООПЕРАТИВІНІҢ БАРЛЫҚ МҮШЕЛЕРІ НАЗАРЫНА!

Сіздерге «Агрофирма Мэртөбе» өндірістік кооперативі мүшелерінің кезектен тыс жалпы жиналысы 10 сәуір 2025 жылы Астана уақытымен сағат 10.00де, Түркістан облысы, Сайрам ауданы, Қарасу елдімекені, Жібек-жолы көшесінде орналасқан кооперативтің кеңсесінде өткізі-

летінін хабарлаймыз, жалпы жиналысты келесі күн төртібі бойынша өткізу жоспарланды:

1. «Агрофирма Мэртөбе» өндірістік кооперативінің мүшелерін шығару туралы;
2. «Агрофирма Мэртөбе» өндірістік кооперативінің мүшелер қабылдау туралы;
3. «Агрофирма Мэртөбе» өндірістік кооперативінің мүшелері тізіміне өзгерістер енгізу туралы;
4. «Агрофирма Мэртөбе» өндірістік кооперативінің төрағасын сайлау туралы.

Кооператив мүшелері.

»» Жасоратта таъзим!

ЖАНГЧИ ХОТИРАЛАРИ

Шу кунларда бутун дунё фашизм устидан қозонилган ғалабадинг 80 йиллигини нишонлаш таратдуида, ушбу сана арафасида қахрамон ҳамяортларимиз ҳам хотирланмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши. Тарихимизни, унинг энг даҳшатли саҳифаларини қайта кўриб чиқиш орқали биз Улуғ Ватан уруши воқеаларига янгича назар билан қарай бошладик. Урушдан олдинги дипломатик муносабатлар, нотўғри хабарлар ва башоратлар, жанглар пайтидаги стратегик хатолар...

Улуғ Ватан урушининг солномасига мурожаат қиламиз. «Бу уруш жаҳон тарихида мисли кўрилмаган даражада катта ва даҳшатли, бутун инсоният бошига оғир кўпфатларни солди. 1939 йил 1 сентябрь кунини фашистлар Германияси кўшинларининг Польшага боштириб кириши билан бошланган ушбу уруш жаҳоннинг 17 мамлакатини, ер шарини аҳолисининг 80 фоизини, яъни 1,7 млрд кишини ўз гирдобига тортиди. Иккинчи жаҳон урушини йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар, агрессив кучларнинг дунёга ҳукмон бўлиш учун интилишлари келтириб чиқарди. Урушини асосий агрессив давлатлар – фашистлар Германияси ва Италияси ҳамда милитаристик Япония бошлади. Улар орасида Германия уюштирувчи, етакчи ўрин эгаллади», дейилади «Улуғ Ватан уруши энциклопедияси»да.

Совет ҳукумати 22 июнь кунини урушининг бошланиши муносабати билан мамлакат халқига мурожаатнома радио орқали эълон қилди. Бу мурожаатнома халқни ғалабага эришиш учун мустаҳкам жипслашиш-



матлигини тиклашга алоҳида меҳр кўрсатилди, республика миз соғломлаштириш марказларидан бирига айланди.

Уруш ҳақида кўплаб ҳужжатли асарлар ёзилиб, кинофильмлар суратга олинган. Хотира – муқаддас. Президент Қасим-Жумарт Тўқаев тарихимизни сохталаштирмасдан, ҳолис тарзда ўрганиб, ҳаққоний тарих билан ёшларимиз онгини бойитишни устувор вазифа сифатида белгилади. Халқимиз узоқ вақт ҳолислиқдан йироқ бўлган, синфийлашган тарихга кўниб, орзуларини ичига ютиб яшади. Мустақиллик эса тарихимизни тубдан қайта кўриб чиқиб, халққа тақдим қилиш имконини берди ва бу тарихчилар ўртасида мақолга айланиб кетган «кимки ўтмишини назорат қила олса, у келажакни ҳам назорат қила олади», деган гапнинг ҳақиқатлигини исботлади.

Тарихга ҳолис назар – маънавий қудратимизнинг улкан манбаидир. Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ҳақидаги илк мақолам 1976 йили Москвадаги «Мурзилка» болалар журналида чоп этилган экан (тасвирда). Унда қозоғистонлик Абубакир Пирназаров ва украинalik зобитлар Василий Науменконинг жанг майдонидаги жасорати, фронтдаги дўстлик, хизматдошларнинг урушдан кейинги давр-

рини: комсомол билети, қизил аскар китобчасини ерга кўмишади. Эртасига ҳаммани панжара ташқарисига олиб чиқишади, санашиди ва темир йўл орқали юк вагонларида қаергадир жўнатишди. «Вагон шунчалик тикилинч эдики, фақат тикка туриш мумкин эди. Бир станцияда тўхтаб, ҳаммамизни лагерга олиб боришди. Пайт пойлаб, у ердан қочиб қолдик ва кўп ўтмай, ўзимизникиларга қўшилдик», дея эсланган эди отахон мусохаба пайтида.

Урушда юзлаб дўстлари, хизматдошларини йўқотган жангчи ёшлар билан урчушларда тинчликнинг қадрига етишга чақирарди, уларга омонлик тилаб, дуо қиларди. Касби тарихчи ё тарих ўқитувчиси бўлмаса ҳам Улуғ Ватан уруши тарихини яхши биларди. Ўз кўзи билан кўрган воқеалар асосида ҳикоя қилинган жанг хотираларини мактаб ўқувчилари зўр қизиқиш билан тинглашарди.

Уруш фахрийсининг яна бир ҳикоясига эътиборингизни қаратамиз.

– 1941 йил куз-қиш ойларида Москва остоналарида ҳаёт-мамот жанглари бўлди. Унда, бир томондан қандай қилиб бўлса ҳам Москвага эггалаш учун интилган, иккинчи томондан, қандай қилиб бўлса ҳам Москванинг қўлдан бермаслик учун оёққа турган тарихда мисли кўрилмаган даражадаги қудратли ҳарбий қўшинлар тўқнашди. Ана шу даҳшатли жангларда қозоғистонлик жангчилар ҳам сабот-матонат, юксак ҳарбий маҳорат кўрсатдилар. Генерал И. Панфилов Алмати шаҳрида туркистонликлардан дивизия тузди. Унинг командирлари таркибда Ташкент пиёда аскарлар билим юрти ва Урта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий-сиёсий билим юртида таълим олган 180 нафар зобит бор эди. Генерал И. Панфилов дивизияси Москва остоналаридаги Волоколамск йўналишида қақшатқич жанг қилди, оммавий қахрамонлик кўрсатди. Дивизиядаги майдонда душмanning 114 танкини, 26 минг аскар ва зобитини, 5 самолёт ва бошқа кўплаб техникасини мидан чиқарди, ҳаракатдаги жанговар техникасининг анча қисмини қўлга киритди. Шундай қилиб, Москва бўсағасидаги жангда душман тор-мор этилди. Бу унинг Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан буён ўтган икки ярим йил орасидаги биринчи йирик мағлубияти эди. Фашистларнинг «яшин тезлигидаги уруш» режаси бутунлай барбод бўлди. Бунга қозоғистонликларнинг қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Берлиннинг 8 май кунини таслим бўлиши Европада тинчлик ўрнатилишига асос яратди. Лекин Осиёда урушлар даври энди бошланаётган эди. Аксиелитлерчилар иттифоқи режасига биноан, шўролар давлати бутун шарқий Осиёни босиб олган Японияга қарши уруш бошлади. Энди Сталин урушдан омон чиққан аскарларини Шарқдаги уруш майдонларига ташлади.

Дарҳақиқат, Уруш даври Қозоғистон тарихининг узвий бир қисми, биз уни унутолмаймиз. Юртимизда уруш фахрийларига, уларнинг оилаларига ёрдам берилмоқда, уларга имтиёзлар яратилган. Республика фахрийлар уюшмасининг ташаббуси билан фашизм устидан қозонилган ғалабининг 70 йиллиги муносабати билан жангларда ҳалок бўлган 400 мингга яқин ватандошларимиз ҳақида архив материаллари тўпланиб, бу маълумотлар асосида «Хотира» туркумида китоблар нашр этилди. Урушда қурбон бўлганларни хотирлаш, биз билан ҳозирги кунларда ёнма-ён яшаётган уруш фахрийларини қадрлаш, эъозлаш, ҳурмат-иззатини жоийа қўйишдек улғурвор инсоний ишлар ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, мустақил Қозоғистоннинг миллий ҳақфисилгини мустаҳкамлашда юксак аҳамиятга эгадир.

А. АБДУФАТТОҲ.

СЛАВИМ ДОБРУЮ РАБОТУ!

Добрый день, Мурали! Меня зовут Авазжак. Я живу в Казахстане, в селе Навоим. Я хочу рассказать тебе, как недавно встретились два однополчанина, которые не виделись целых 35 лет. Василий Кириллович Наумов и мой дедушка Абубакир Пирназаров. Вместе сражались против фашистов. Они дружили, как родные братья дружат, хотя дед мой узбек, а Василий Кириллович русский.

Во время тяжёлого боя в районе города Бресте мой дед был тяжело ранен. Пули ссыпались как дождь, рвались мины. Но Василий Кириллович не оставил друга,

Я в войну ходила бабушка за овцами. В колхозе корма нет, за сеном надо ехать километров за сто. Ездил на быке, на одном-единственном. Бык некоррлен, ляжет посреди дороги, бабушка ждёт, но всё-таки и туда доедет, и обратно с сеном вернётся.

У бабушки росли трое детей, трудноого ей было, но бабушка не сдавалась и всех детей вырастила. Когда они кончили школу, собралось большое собрание — в пятисот человек. И бабушка сказала: «Анна Григорьевна, товарищ Романченко, поднимитесь, пожалуйста, на сцену, расскажите, как вы сумели

он дедови дед в свентарую часть. После госпиталя мой дед опять ушёл на фронт. После войны дедушка работал на заводе, потом в районном исполнительном комитете и всё исхл своего друга фронтовика.

Наконец через 35 лет ему удалось встретиться с другом в городе Шостка на Украине.

Однополчане с волнением вспоминали своих друзей фронтовиков, которые с ними громили

дедушке. Я с нетерпением жду его приезда к нам. На фотографии, которую я послала, друзья-однополчане. Авазжак Барыбаев, с. Навоим, Чимкентская область.

Моя бабушка рано осталась без родителей. Но она не боялась никакой работы, и лоды ей любил. С тринадцати лет работала бабушка в колхозе дояркой, приходилось и поварихой. Бабушка кормила сотни человек овца, все ели да хвалили.

как хорошо воспитать своих детей-грузиников». Бабушка заплакала и сказала с места: «Былаво по-своему. Но больше всего помогали мне ласка да строгость. Вот так и воспитала всех».

Моя бабушка жила честно, работала на совесть, как и полагаётся советскому человеку.

Лена Шипицина, г. Новоузенск

13

га, уюшқоқлик ва фидокорлик кўрсатишга чорлади. «Бизнинг ишимиз ҳақ иш! Душман тормор келтириллажак! Биз ғалаба қиламиз!» дейилган эди мурожаатномада.

Фронт газеталарида жангчилардан ҳар бир қарич ер учун қақшатқич жанг қилишни, мардлик ва жасорат кўрсатишни, партия ва шўро ташкилотларидан ҳаракатдаги армияга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни уюштириш, қурол-яроғ, ўқ-дори, танклар ва самолётлар ишлаб чиқаришни ҳар қанақасига кўпайтириш талаб қилинган эди. Фронт орқасини мустаҳкамлаш, корхоналарнинг янада кучлироқ ишлашини таъминлаш вазифалари қўйилгани ёзиларди. «Ҳамма нарса фронт учун! Ҳамма нарса ғалаба учун!» – шу вақтнинг асосий талаби, кўрсатмаси ва илҳомлантирувчи шиори ана шундай эди.

Жангларда ярадор бўлган ёки бемор бўлиб қолган минглаб аскар ва зобитлар ўз юрларига жўнатила бошлади. Уларни қабул қилиб олиш, госпиталга жойлаштириш, сало-

даги учрашуви баён қилинган эди.

Уруш эълон қилинганидан бир неча ой ўтиб, Абубакир Пирназар ўгли Сталинградга жўнатилган. 1942 йил баҳорда 266-ўқчи дивизия таркибда у хизмат қилган полк Харьковнинг жануби-ғарбидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди.

Май ойи охирига келиб, Лузовая станцияси ҳудудида мудофаа чизиги ортига чекинши ҳақида буйруқ олинади. Северский Донец дарёси яқинида А. Пирназаровнинг зводи артиллериядан ўққа тутилади. Портлаш тўлқини уни ва қўшини взвод командири В. Науменко ни бир четга улоқтириб, тупроққа кўмиб юборади. Яраланиб, ҳушини йўқотади. Ҳушига келиб, тупроқ уюми остидан чиққач, уларнинг олдида бир гуруҳ немис пулемётчилари пайдо бўлади. Икки зобит асирга олинади. Асирларнинг ҳаммасини тиканли симлар ортига ҳайдашди. Улар эрталабгача кучли проекторлар билан ёритилган жойда пулемётлар қуршовида қолишди. Зобитлар ҳужжатла-

»» Обуначиларимиз орасида

«БИРЛИК» КИЧИК ТУМАНИДА ЯНГИ РАХБАР



Фаол обуначимиз, «ҚР Фахрий фуқароси», кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари мукофотлари соҳиби, Туркистон шахрининг «Бирлик» кичик тумани раҳбари сифатида самарали фаолият юритган Тойир Абдувалиев ўз ҳошишагина биноан лавозимидан озод этилди.

Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекулининг қарорига мувофиқ, эндиликда ушбу ҳудудга Ҳабибулла Маннопов раҳбарлик қилади.

Ҳабибулла Абдувоҳид ўғли 1970 йили 28 июнда Туркистон шаҳрида туғилган. Урта мактабдан сўнг Тошкентдаги рақамли-дастурли бошқариш техникумини, ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент политехника институтини тамомлаган.

Ҳ. Маннопов янги лавозимга тайинлангунга қадар Туркистон шахрининг «Бирлик» кичик тумани маъмуриятида бош мутахассис сифатида самарали меҳнат қилган. «Жанубий Қозғоғистон» газетаси обунасида устози Тойир Абдувалиевнинг ҳомийлик аънанасини давом эттирадиган Ҳабибулла Манноповга янги, масъулиятли лавозимда омад тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Т. Абдувалиев ва Ҳ. Маннопов

Муаллиф суратга олган.

»» Келажак – билимли ёшлар қўлида

ЎҚУВЧИЛАР – ХАЛҚАРО АНЖУМАН ҒОЛИБИ

Саврон тумани Қорачиқ қишлоғидаги «Турон» умумтаълим мактаби директори Аҳмаджон Аҳмедов ҳамда кутубхона мудирини Зийвуддин Ёқубов билан мулоқот чоғида ушбу таълим даргоҳи ўқувчиларининг Алмати шаҳридаги «Турон» университетидан ўтган халқаро баҳс-мунозара анжуманида эришган улкан зафари ҳақида хушбардан воқиф бўлдик.

АҚШ, Туркия, Мексика ҳамда Марказий Осиё давлатлари – жами ўнта мамлакатдан иқтидорли ўқувчилар иштирок этган

нуфузли халқаро анжуманда Саврон тумани шарафини ҳимоя қилган Қорачиқ қишлоғининг «Турон» мактаби ўқувчилари «Youth of Turan» деб номланган аҳил жамоа сифатида фаол иштирок этди. Изланувчан ўқитувчи Жумадулла Хайруллаев етакчилигидаги «Турон» мактаби ўқувчи қизлари эришган ютуқлар залворли. Хусусан, Доно Маматсафоева «Ўздік лидер», Диана Аманжонова ва Орзубону Жўрахоновалар «Ўздік спикер» номинацияси бўйича халқаро даражада ғолибликка эришди.

Миллий қадриятларни тар-



ғиб қилишга қўшган муносиб ҳиссалари юксак баҳоланиб, «Ватанпарвар жамоа» номинацияси билан тақдирланди. Ғолиб ўқувчилар кейинги босқич беллашувларига йўлланмани қўлга киритишди.

«Турон» мактаби шарафини халқаро даражада улуглаб, зафарга эришган ғолиб ўқувчилар ва уларнинг заҳматкаш муаллимларини мактаб жамоаси тантанали қарши олиб, иззат-ҳурмат кўрсатдилар. Теран билими билан галаба чўққисини забт этган жамоага янги зафарлар тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: мактаб директори А. Аҳмедов кутубхона мудирини З. Ёқубов билан; ғолиб ўқувчилар ва ўқитувчилар.

Муаллиф тасвирлари.

»» Обуначиларимиз орасида

«Жанубий Қозғоғистон» вилоят газетасида эълон қилинган Арслонбоб зиёратгоҳи таассуротлари, хусусан, Ўтрор туманида давлатимиз томонидан тарихий шахс Арслонбоб ҳамда шоғирди Ҳазрат Яссавийга маҳобатли мақбаралар бунёд этган соҳибқирон Амир Темури хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, катта таассурот олдик.

Сафарга Туркистон шаҳридаги Амир Темури номи умумтаълим мактаби директори Гулназ Мамбетова, ўринбосарлари Гулжан Кержиқова, Салтанат Есенбекова, Ерлан Умираниев, бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси, Афғон уруши фахрийси Зокир Абдураимов, ўқитувчилар Жанна Бимангазиева, Нурғали Нақипов, Нурсулу Жаппарова, Ҳошим Холметовлар биргаликда бордик. Туркистон шаҳри ва Ўтрор туманида зиёратчилар учун давлатимиз томонидан ажойиб қўлайликлар яратилганини теран идрок этдик.

Наргиза ЗОКИР қизи,
А. Темури номи мактаб
кутубхоначиси.

Туркистон шаҳри.

Тасвирда: сафардан лавҳа.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОГА ЗИЁРАТ



»» Спорт – саломатлик гарови

РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИК

Эски Иқон қишлоғидаги Шопир Раҳимов раҳбарлик қилаётган Аҳмад Яссавий номи умумтаълим мактабининг 5-6-синф ўқувчилари енгил атлетика, хусусан, 500 метрга югуриш бўйича аввал туман, сўнгра вилоят миқёсида ажойиб галабага эришиб, фахрли биринчи ўринга сазовор бўлишди.



Улар ташкилотчи муассасалар номидан кубок, медаль ва ташаккурномалар билан тақдирланди. Вилоят миқёсида галабага эришган спортчи ўқувчиларимиз Барчиной Яхшилиқова, Зарнигор Мисирова, Раяна Тоҳирова, Мавлуда Русланова, Волида Бобуровалар май

ойида Алмати шаҳрида республика мусобақаларида иштирок этиш учун йўлланма олдилар.
Элдор АБДУРАҲМОНОВ,
жисмоний тарбия ўқитувчиси.
Тасвирда: мураббий устоз Э. Абдураҳмонов ғолиб шоғирдлари билан.

»» Хушхабар!

«ҚОРАЧИҚ» ЖАМОАСИ СОВРИНДОР



Туркистон яқинидаги Қорачиқ қишлоғида 2008-2009 йили туғилган қизлар орасида волейболдан республика турнири ўтди.

Саврон тумани ҳокимлиги ва «Саврон» спорт клуби шафелигида уюштирилган ушбу мусобақа ташаббускор ёш мураббийлардан бири Исрофжон Орифжонов ташкилотчилигида ўтди. Унда 14 жамоа куч синашди. Қизгин тортишувларга бой бўлган мусобақада ғолиблик шохсупасига Шарқий Қозғоғистон вилояти терма жамоаси – «Алтай» жамоаси кўтарилиб, 2-ўринга Шимкент шаҳар спорт клуби қизлари ноил бўлди. 3-ўринни «Қорачиқ» жамоаси қўлга киритди. 4-ўрин эса Ақтўбенин «Қандиғаш» жамоасига насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

2012-2013 йиллари туғилган ўсмир қизлар орасида волейболдан вилоят турнирида ҳамқишлоғимиз моҳир мураббий Илҳом Раҳматулла ўғли Эрметовнинг шоғирдлари – Туркистон спорт мактаби жамоаси иккинчи бор вилоят чемпионлигини қўлга киритиб, республика чемпионатида йўлланмани нақд қилдилар. Туркистон шаҳар спорт мактаби жамоасида Фарангиз Тожиддинова ва Жасмина Абдуллаевалар ҳам бор.

УМИДА – ТАНЛОВ ҒОЛИБАСИ

Таниқли ўқитувчи, «Қарашық-М» хусусий мактаби директори Султонмурод Иброҳимов раҳбарлик қилаётган таълим маскани қатор ютуқларни қўлга киритмоқда.

Яқинда Туркистон шаҳрида ўтган аънанавий «Яссавийшунослик-2025» вилоят кўрик-танловида шу мактабнинг 10-синф ўқувчиси Умида Ҳақимова ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди. Шоғирдининг ютуғи билан устози Шахло Зенова ва барча ўқитувчилар жамоасини муборакбод этамиз.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кенетов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувларда факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
«Фондлашмаган мақолаларга ёзма жавоб кайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VRY0022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR» МББ босмақисмида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимжонов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилди.

Биринчи
572

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11600 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru